

О‘zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Oqdaryo tumani
НОКИМИ
ҚАРОРИ



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Акдарьинского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 у.г. 16 ноябрь

№ 978 -Қ

Оqdaryo t., - р.Акдарья

Фермер хўжалигига ижарада
фойдаланиш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” ва “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек қишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида фуқаро Файзуллаев Музаффарнинг пахта-ғаллачилик йўналиши бўйича фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги аризаси, туман ҳокимлиги ҳузурдаги доимий фаолият юритувчи ва қайта ташкил этиш комиссиясининг баённомаси, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгашининг ҳулосаси, халқ депутатлари Оқдарё туман Кенгашининг 2020 йил 14 ноябрдаги №18/107-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 6,25-моддалари қўлланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Оқдарё туман Кенгашининг 2020 йил 14 ноябрдаги №18/107-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин ва туманда доимий фаолият юритувчи қайта ташкил этиш комиссиясининг баённомаси ҳолиби деб топилган фуқаро Файзуллаев Музаффарнинг пахта-ғаллачилик йўналиши бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш учун Гулистон массиви ҳудудининг 30-31-32-33-34-контурларидаги жами 51,4 гектар, шундан: суғориб ҳайдаладиган ер 44,7 гектар, узумзор 5,1 гектар, ихота дарахтлар 0,2 гектар, ариқлар 0,9 гектар, йўллар 0,5 гектар ер майдони 49 йил муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

2. Фуқаро Файзуллаев Музаффарга ташкил этилган фермер хўжалигига ажратилган ер майдонларини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаларини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин;


- давлат хизматлари маркази директори (Ш.Хиббимкулов)га мазкур фермер хўжалигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9-февралдаги 66-сонли қарори талаблари асосида давлат рўйхатидан ўтказиб, гувоҳнома бериш ҳамда бурчак тамға ва муҳрини тайёрлаш;

- туман Давлат солиқ инспекциясига мазкур фермер хўжалигини молиявий фаолияти устидан назорат ўрнатиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини тартибга солиш;

- туман статистика бўлими (З.Эргашев)га мазкур фермер хўжалигининг статистик ҳисоботларини қабул қилиш ва умумлаштириш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими:

 Н.Сулаймонов